## Фан топшириқлари маълумотларини бошқариш

### Фан топшириқларини яратиш

Дарс машғулотларини ўтказиш жарёнида тизим орқали фан машғулотларининг турлари бўйича топшириқларни шакллантириш талаб этилади. Фан топшириғини **Topshiriq** ва **Test** кўринишида шакллантириш мумкин.

Фан топшириқларини шакллантириш **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Фан машғулоти рўйхати

Фан топшириқларини шакллантириш учун рўйхатдан фан машғулотини танланг (2-расм).




2-расм Фан топшириқларини яратиш

Фан топшириқларини яратиш учун **+Yaratish** тугмасини танланг. Натижада топшириқларни шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (3-расм).




3-расм. Фан топшириқларини шакллантириш ойнаси

Фан топшириқларини шакллантириш ойнасида келтирилган майдонларни берилган кетма-кетликда қуйидагича тўлдиринг:

- **Topshiriq turi** майдонидан топшириқ турини танланг, масалан **topshiriq;**
- **Nazorat turi** майдонидан назорат турини танланг, масалан **oraliq nazorat;**
- **Nomiº** майдонига топшириқ номини киритинг;
- **Izoh** майдонига мустақил иш бўйича изоҳ киритинг;
- **Muddat** майдонига топшириқ муддатини белгиланг;
- **Maks. ball** майдонига мустақил ишга қўйиладиган баллни киритинг;
- **Urinishlar soni** майдонига уринишлар сонини киритинг, масалан 2;
- **Til** майдонида автоматик тарзда ўзбек тили кўринади;
- **Fayl nomi** бўлимига файл киритинг.

Барча маълумотлар тўғри бўлса **Saqlash** тугмасини танлаш орқали топшириқ яратилади (4-расм.)




4-расм. Фан топшириқларини шакллантириш ойнаси

Яратилган топшириқни кўриш учун **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари ойнасини очинг (5-расм).




5-расм. Фан топшириқлари рўйхати

Худди шу кетма-кетликда барча топшириқлар яратиб олинади.

### Фан топшириқларини таҳрирлаш

Яратилган топшириқни таҳрирлаш учун **fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари ойнаси очинг (5-расм). Топшириқлар ойнасидан топшириқни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (4-расм). Таҳрирлаш ойнасидан таҳрирлашни амалга оширинг ва **Saqlash** тугмасини танланг.

### Фан топшириқларини ўчириш

Яратилган топшириқни ўчириш учун **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари ойнаси очинг (5-расм). Топшириқлар ойнасидан топшириқни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (4-расм). Таҳрирлаш ойнасидан **O‘chirish** тугмасини танланг.

**Муҳим!** Топшириқ билан боғлиқ бошқа маълумотлар шакллантирилган бўлса топшириқни ўчиришга рухсат берилмайди.

### Фан топшириқларини жўнатиш

Топшириқни жўнатиш учун **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари ойнаси очинг (5-расм). Топшириқлар ойнасидан топшириқни танлаш орқали таҳрирлаш ойнасига ўтинг (6-расм)




6-расм. Топшириқни жўнатиш ойнаси

Топшириқни талабаларга юбориш учун **Yuborish** тугмасини танланг. Натижада экранда талабалар рўйхати очилади (7-расм).

Топшириқни жўнатиш ойнасида талабаларнинг фамилия, исми ва шарифи, гуруҳи, статуси, қайднома тури ҳамда топшириқни муддати каби маълумотлар пайдо бўлади. Топшириқни жўнатиш учун талабалар рўйхатидан талабаларни белгиланг ва **Yuborish** тугмасини танланг. **Yuborish** тугмаси

танлангандан сўнг экранда топшириқ талабаларга муваффақиятли жўнатилганлиги тўғриси хабар пайдо бўлади (7-расм).




7-расм. Талабаларни белгилаш ойнаси

Топшириқлар жўнатилганлиги ва уларнинг ҳолатини билиш учун тизимнинг **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари ойнасини очинг (8-расм).




8-расм. Топшириқлар рўйхати

Топшириқ ҳолатини кўриш учун топшириқлар рўйхати ойнасидан **Talabalar** устинидаги сонли маълумотни танланг. Натижада экранда қуйидаги маълумот пайдо бўлади (9-расм).




9-расм. Топшириқ ҳолати

Талабага топшириқ жўнатилган бўлса топшириқ ҳолати ойнасининг статус устуни **Berildi** ёзуви пайдо бўлади.

## Топшириқни текшириш ва баҳолаш

Талабаларни баҳолаш учун талаба томонидан топшириқ бажарилиб ўқитувчига жўнатилган бўлиши керак. Топшириқни баҳолаш учун тизимнинг **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари рўйхатини очинг (10-расм).




10-расм. Топшириқни баҳолаш ойнаси

Топшириқни баҳолаш ойнасининг **Talabalar** устунида битта талаба вазифани бажариб топширган. Ушбу топшириқни баҳолаш учун **Talabalar** устунидаги **2/1/0** сонли белгини танланг. Натижада экранда фан топшириғи тўғрисидаги маълумотлар пайдо бўлади (11-расм).




11-расм. Топшириқни баҳолаш ойнаси

Топшириқни баҳолаш учун тизим ойнасидан **Status** устунидан **Topshirdi** ёзувини танлаш орқали талаба жавобини кўринг (12-расм).




12-расм. Топшириқни баҳолаш ойнаси

**Fail nomi** қаторидан талаба томонидан юборилган файлни текшириб чиқинг сўнгра баҳони ва баҳолаш шархини киритинг ҳамда **Saqlash** тугмасини босиш орқали баҳони сақланг (13-расм).




13-расм. Баҳолаш ойнаси

Юқорида кўрсатиб ўтилган усул орқали ўқитувчи томонидан топшириқлар шакллантирилади ва баҳоланади.

## Фан топшириғини TEST кўринишида шакллантириш

Фан топшириқларини тест кўринишда шакллантириш учун **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Тест топшириқларини яратиш учун фан машғулоти рўйхатидан фан машғулотини танланг (2-расм). Фан топшириқларини яратиш учун **+Yaratish** тугмасини танланг. Натижада топшириқларни шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (14-расм).

Фан топшириқлари маълумотларини қуйидагича тўлдиринг:

– **Topshiriq turi** майдонидан топшириқ турини танланг, **test;**
– **Nazorat turi** майдонидан назорат турини танланг, масалан **oraliq nazorat;**
– **Nomi°** майдонига топшириқ номини киритин**г;**
– **Izoh** майдонига тест бўйича изоҳ киритинг;
– **Muddat** майдонига топшириқ муддатини белгиланг;
– **Maks. ball** майдонига тест баллни киритинг, масалан 10 балл**;**
– **Urinishlar soni** майдонига уринишлар сонини киритинг, масалан 2;
– **Til** майдонида автоматик тарзда ўзбек тили кўринади;
– **Test vaqti (daqiqa)** майдонига тест топшириш дақиқасини киритинг;
– **Savollar soni** майдонига саволлар сонини киритинг, масалан 10
– **Tasodifiy** майдонига саволлар келишини тасодифий келиши учун **HA** ёзувини танланг ва **Saqlash** тугмасини танлаш орқали малумотни сақланг




14-расм. Тест топшириқларини яратиш

## Тест саволларини шакллантириш

Тест саволларини шакллантириш учун тизимнинг **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсини танланг (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари рўйхатини очинг (15-расм).




15-расм. Тест топшириқларини яратиш ойнаси

Тест саволларини киритиш учун топшириқлар рўйхатидан **Savollar** устунида пайдо бўлган **0 savol** ёзувини танланг. Натижада тест саволларини шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (16-расм).




16-расм. Тест топшириқларини яратиш ойнаси

Тест саволларини киритиш учун **+Kiritish** тугмасини танланг. Пайдо бўлган ойнада тест саволларини шакллантириш мумкин. Тест саволларини шакллантириш қўлланманинг **ФАН РЕСУРСЛАРИ** қисмида батафсил келтириб ўтилган.

**Тест топшириқларини жўнатиш** юқорида кўрсатиб ўтилган фан топшириқларини жўнатиш каби амалга оширилади ( 6-7-8-9-расмлар).

**Талабанинг тест натижаси кўриш**

Талаба тест саволларига жавоб бергандан сўнг ўқитувчи профилида талабанинг натижалари пайдо бўлади. Тест натижалари тизимнинг **Fanlar bazasi / Fan topshiriqlari** менюсидан кўрилади (1-расм). Рўйхатдан фан машғулотини танлаш орқали фан топшириқлари рўйхатини очинг (17-расм).




17-расм. Топшириқлар рўйхати

Топшириқлар рўйхатининг **Talabalar** устунида битта талаба тест топширганини кўриш мумкин. Натижани кўриш учун **Talabalar** устунидаги **2/1/0** сонли белгини танланг. Натижада талабанинг олган бали кўринади (18-расм).




18-расм. Топшириқни баҳолаш ойнаси

Юқоридаги кетма-кетлик асосида фан машғулотининг бошқа турлари бўйича топшириқлар ва тест саволларини шакллантириш, талабага жўнатиш ва баҳолаш ишларини олиб бориш мумкин.

**Эслатма!** Тизим юборилган ва баҳоланган топшириқларни ўчиришга рухсат бермайди. Агар бирор бир сабаб туфайли талаба топшириқни ўз вақтида топширолмаса топшириқнинг муддатини 8-расмда келтирилган **талабаларни белгилаш ойнасидан** талабани алоҳида танлаш орқали топшириқ муддатини чўзиш мумкин. Шунда талабага яна битта имконият очилади.